



# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

## Коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий хужжатлар

*(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг  
2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан тасдиқланган)*



- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати (янги таҳрирда);
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларни ўрганиш тўғрисида Йўриқнома;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимидаги ходимларнинг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш тўғрисидаги Йўриқнома;

- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;
- ❑ Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;



# Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати

## Коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари

- 1** Ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш орқали уларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш;
- 2** Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;
- 3** Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;
- 4** Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигига эришиш;
- 5** Марказий банк тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликни барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминлаш.



**Ҳар бир ходим мазкур Сиёсат билан танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.**


## **Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари**

1. қонунийлик
2. коррупцияга нисбатан мурасасизлик
3. очиклик ва шаффофлик
4. коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги
5. фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойили
6. коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш
7. тизимлилик тамойили
8. раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси тамойили
9. давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тамойили
10. коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги тамойили
11. хабардорлик тамойили
12. мутаносиблик тамойили

## Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари:



## Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари







Коррупцияга нисбатан мурасасизлик тамойилига амал қилган ҳолда барча ходимларга қуйидаги ҳаракатлар қатъиян ман этилади:

- мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек ваколатларини суистеъмол қилиш орқали ҳар қандай шахслардан моддий ёки номоддий наф талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш;
- мансаб ва хизмат мавқеидан Марказий банкнинг қонуний манфаатларига зид равишда, наф олиш мақсадида фойдаланиш;
- порахўрлик ёки тижорий пора олишда воситачилик қилиш, жумладан, пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;
- расмиятчиликларни соддалаштириш учун қонунга ҳилоф равишда тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;
- коррупция аломатлари мавжуд бўлган, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш;
- ҳар қандай тарздаги қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа уйинларида иштирок этиши ва бундай фаолият билан шуғулланиш (шу каби объектларга кириш, шу жумладан, қимор билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш).



Ҳар бир ходим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, мазкур Сиёсат ҳамда ички тартиб-қоидаларга риоя этмаганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.



Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларининг хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

# Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида Низом

## Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришда ходимлар мажбуриятлари



фуқаролар, давлат, Марказий  
банк тизими ва жамият  
манфаатларини кўзлаши



профессионал фаолиятида  
очиқликни таъминлаши



яқин қариндошлари ва  
алоқадор шахслар  
тўғрисидаги  
маълумотларнинг тўлиқ  
рўйхатини виждонан ошкор  
этиши



ўз манфаатларининг  
тўқнашуви ҳақидаги  
маълумотларни ўз  
вақтида ва тўлиқ  
ошкор қилиши



манфаатлар тўқнашуви  
ҳолатлари ҳақида ҳар  
қандай маълумотга эга  
бўлган тақдирда  
белгиланган тартибда  
хабар бериши



## Ходимлар қуйидаги тақиқлардан сақланиши лозим

непотизм, шафелик,  
фаворитизм, маҳаллийчилик  
ва кронизмга йўл қўйиш;

яқин қариндош ёки алоқадор  
шахсларнинг бир-бирига  
бўйсунувда ёки назорат остида  
фаолият юритиш;

бевосита назорат қилинувчи  
субъектлардан ҳар қандай  
совға ёки меҳмондўстлик  
белгиларини қабул қилиш;

аввалги иш жойи ёки фаолиятини  
бевосита назорат қилиш,  
шунингдек харидлар билан боғлиқ  
хамкорлик алоқаларини ўрнатиш  
(камида икки йиллик муддат  
давомида), раҳбарлик лавозимида  
тайинланиши бундан мустасно

меҳнат фаолияти давомида ўзига  
маълум бўлган фойдаланиш  
доираси чекланган  
маълумотлардан шахсий  
мақсадларда фойдаланиш;

## Ходимлар қуйидаги ҳолларда ўзининг раҳбарига ва комплаенс-назоратга масъул таркибий бўлинмага хабар беришлари шарт



- ❖ Бевосита бўйсунувидаги ходим яқин қариндоши ёки алоқадор шахс бўлса;
- ❖ Ходимнинг яқка ўзи ёки у қатнашган коллегиял орган томонидан қарор қабул қилишда манфаатдор томонда (жисмоний, юридик шахс) ходимга яқин қариндош ёки алоқадор шахс мавжуд бўлганда.


## Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар қуйидагича декларация қилинади:

### Дастлабки декларация

бўш иш ўринларига номзодларни  
лавозимга тайинлаш ҳамда  
лавозим ўзгартирилиши (ротация)  
вақтида;

### Навбатдан ташқари декларация

аввал ошкор этилмаган  
манфаатлар тўқнашуви юзага  
келаётган ёки юзага келиш  
мумкин бўлган вақтда



### Йиллик декларация

барча ходимлар  
томонидан ҳар йили бир  
марта;



## Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

Ф.И.Ш (тўлик) \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим \_\_\_\_\_

Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

### **Ушбу аризада куйидаги атамалар қўлланилади:**

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари;

**алоқадор шахслар** - ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшилар, қариндошлар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

**мансабдор шахс** - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишига ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**манфаатлар тўқнашуви** - ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

1. Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Марказий банк тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг). Ҳа / Йўқ

Изоҳлар: \_\_\_\_\_

2. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (юридик шахс/ЯТТ бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?

(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).



## давоми

**3. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?**

*(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).*

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

**4. Сизга Марказий банк тизими ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми?**

*(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)*

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

**5. Лозим деб топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг.**

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

**Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:**

*Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).*

*Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни текширилишига розилик билдираман.*

*- Марказий банк тизимида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, янги ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.*

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(сана)

(Ф.И.Ш)

## Манфаатлар тўқнашувини ҳал этишда уни потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашувига ажратган ҳолда қуйидаги чоралар белгиланиши мумкин:



ходимнинг лавозим вазифаларини ёки лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш ва/ёки унга ўзгартириш киритиш;



ходимни бошқа раҳбар бўйсунувига ўтказиш;



манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда, қарор қабул қилишда иштирок этишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашишга рухсат бериш ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштириш;



манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан ходимнинг фойдаланишини чеклаш;



ходимнинг Марказий банк тизими манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан ихтиёрий воз кечиши;



Одоб-ахлоқ кимиссиясига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни  
ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган  
ходимларни ўрганиш тўғрисида Йўриқнома**

## Ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари

01




Юқори лавозимга тайинланаётган ходим лавозимга тайинланишидан аввал манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги, коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни ўзлаштирганлиги ҳамда амалиётда қўллаш имкониятини текширишга қаратилган синовлар ёки суҳбат орқали баҳоланади.

02



Номзодни ўрганишда унинг аввалги иш жойидаги ҳулқ-атвори, шунингдек меҳнат фаолиятида унга юклатилган вазифаларни ҳалол ва ҳолис амалга оширганлиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мавжудлиги ва коррупциявий хатти-ҳаракатларини содир этиш билан боғлиқ бўлган маълумотлар баҳоланади.

03



Ўрганиш муайян ва номуайян муддатли меҳнат шартномалари ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларга нисбатан амалга оширилади.

Ижрочи томонидан қуйидаги маълумотлар номзоднинг розилигига мувофиқ сўраб олиниши мумкин:



## Ишга жойлашаётган номзодларни ўрганиш ўтказиш йўналишлари



номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;



суд томонидан иш фаолияти билан боғлиқ муайян ҳуқуқи чекланмаганлигини;



номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;



аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этмаганлиги, унинг хулқ-атворини юзасидан салбий фикрлар мавжуд эмаслиги;



номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;



номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи ва бошқалар).

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
tizimidaги ходимларнинг этика ва коррупцияга  
қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил  
қилиш тўғрисидаги Йўриқнома**

## Йўриқномада тўрт йўналишда ўқув дастурларини амалга ошириб бориш кўзда тутилган

**коррупцияга қарши курашишга қаратилган дастур-**  
барча ходимлар мажбурий тартибда ўқитилиши режалаштирилган.



**алоҳида лавозимлар, фаолият йўналиши учун мўлжалланган дастур -**  
(назорат, лицензиялаш функцияларини амалга оширувчи департаментлар, харидларни амалга оширувчи, мижозлар билан тўғридан-тўғри ишловчи лавозимдаги ва бошқа ходимларни) қўшимча равишда ўқитиб бориш кўзда тутилган.



**этика ва хулқ-атвор қоидаларини тарғиб этишга оид дастур-**

барча ходимлар мажбурий тартибда ўқитилиши режалаштирилган.



**ички назорат тузилмаси учун махсус дастур-**

малака ошириш шаклида (семинар, тренинг ва бошқа) экспертларни жалб қилиш, шунингдек бундай ўқитишларга ихтисослашган ваколатли ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган тренингларда иштирок этиш йўли билан ўтказилиши белгиланган.





**Ўзбекистон Республикаси Марказий банк  
tizimida контрагентларни ўрганишга оид  
Йўриқнома**

## Контрагентларни ўрганишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат

1

- Марказий банк тизими ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган **коррупциявий хатарларни камайтириш**;

2

- **инсофсиз контрагент** билан шартнома тузиш хатарини камайтириш;


3

- харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгиланган товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, **ишларни бажариш имкониятини баҳолаш**;

4

- тендер ҳамда энг яхши таклифларни кўриб чиқиш (конкурс) шаклида ўтказилган харидларда техник параметрларни баҳолаш муддатларида, шунингдек, аукцион шаклида ўтказиладиган харидлар эълон жойлаштирилгунга қадар ўрганилади

## Контрагентни ўрганишда қуйидагилар таҳлил қилинади:



## Қуйидаги ҳолларда ўрганиш амалга оширилмаслиги белгиланган

Марказий банк, тасарруфидаги ташкилотлар ўзаро шартномавий муносабатга киришса;

- **коммунал ва бошқа шу каби хизматларни** (электр, газ, сув, иссиқлик таъминоти, муҳандислик-техника таъминоти ва бошқалар), шунингдек нархи (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар (иш, хизмат) етказиб берувчи контрагентлар;

табiiй монопол корхоналари билан шартномалар.

- **электрон дўкон** шунингдек, ахборот технологиялари ривожланиши натижасида инсон иштирокисиз электрон тарзда амалга ошириладиган **бошқа харид турлари** (шакллари) бўйича контрагентлар.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
тизимда алоқа каналлари орқали коррупциявий  
хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви  
тўғрисида келиб тушган хабарларни  
қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти**

## Асосий тушунчалар

### Алоқа канали

- Марказий банкнинг расмий веб-сайти, электрон почтаси, тизимидаги ишонч телефон рақамлари, ҳамда бошқа каналлар орқали келиб тушадиган таалуқли хабарларни қабул қилиш воситаси.

### Таалуқли хабар

- Марказий банк тизимидаги коррупциявий ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

### Мурожаатчи

- Алоқа канали орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс вакили ҳамда ходим;

## Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш



Марказий банкнинг алоқа каналидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга Ички назорат тузилмаси масъул ҳисобланади.



Таалуқли хабар ҳудудий бош бошқармаларга ва тасарруфдаги ташкилотларга келиб тушганда, уни қабул қилган масъул ходим зудлик билан раҳбарни ва Ички назорат тузилмасини хабардор қилади.



Ўз навбатида Ички назорат тузилмаси шу куннинг ўзида таалуқли хабар юзасидан Марказий банкнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмасини хабардор қилади.



Хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун асослар етарли бўлганда, Ички назорат тузилмаси томонидан белгиланган тартибда хизмат текшируви ўтказилади.



Ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги ташкилотларда ҳам алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш Реестри юритилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-  
ҳаракатлари, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби  
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат  
текширувларини ўтказиш бўйича Регламент**



## Мазкур Регламентнинг қўлланиш доираси:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги корхоналар ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ички меҳнат тартиби қоидалари”нинг бузилишига нисбатан хизмат текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.

## Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Марказий банк тизимида хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

хуқубузарликларни (қоидабузарликларни) содир этиш сабаби, имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва такомиллаштириш юзасидан тавсияларни бериш;

қонунчилик талабларини бузилиши бўйича жавобгарликка тортилиш хавфини камайтириш.

## Хизмат текширувни тайинлаш



Хизмат текшируви ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички ҳужжатлари ҳамда одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда унинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан тайинланади.

## Хизмат текшируви ташаббускорлари:



Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари;  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мустақил таркибий бўлинма раҳбарлари, ҳудудий бош бошқарма бошлиқлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари;  
Одоб-ахлоқ комиссияси;  
Ички назорат тузилмаси.

Хизмат текширувини тайинлашга оид маълумотлар қуйидаги манбалардан олиниши мумкин:



оммавий ахборот воситалари хабарлари;



ходимнинг бевосита раҳбарининг билдиргиси;



жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари;



ходимларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда берган маълумоти (муурожаати);



ички назорат тузилмаси томонидан ўтказилган мониторинг ва назорат натижалари;



Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровлари ва тақдимномалари;



ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган бошқа маълумотлар.

Хизмат текшируви қуйидаги таркибий бўлинмалар  
томонидан амалга оширилади:

Коррупциявий хатти-ҳаракатлар  
юзасидан:

Марказий банк марказий аппарати ва  
ҳудудий бош бошқармалар ходимлари,  
шунингдек тасарруфдаги корхоналарнинг  
Республика лавозимлар номенклатурасига  
кирувчи ходимлари бўйича – **Марказий  
банк марказий аппаратининг ички  
назорат тузилмаси** томонидан;

Марказий банк тасарруфидаги  
корхоналарнинг Республика лавозимлар  
номенклатурасига кирмайдиган ходимлари  
бўйича – **корхоналарнинг ички нazorat  
тузилмалари** томонидан.

Ички меҳнат тартиб қоидаларини  
бузиш билан боғлиқ ҳолатлар  
юзасидан:

Марказий банк марказий аппарати  
ходимлари, шунингдек ҳудудий бош  
бошқармалар ва тасарруфдаги  
корхоналарнинг Республика лавозимлар  
номенклатурасига кирувчи ходимлари бўйича  
– **Марказий банк марказий аппаратининг  
кадрлар билан ишлаш тузилмаси**  
томонидан;

ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги  
корхоналарнинг Республика лавозимлар  
номенклатурасига кирмайдиган ходимлари  
бўйича – **ҳудудий бош бошқармалар ёки  
тасарруфдаги корхоналарнинг кадрлар  
билан ишлаш бўйича таркибий тузилмаси  
(ёки масъул шахс)** томонидан.



Иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан  
хизмат текширувини ўтказиш ёки ўтказмаслик  
тўғрисида буйруқ (фармойиш) қабул қилинади.



Бунда, хизмат текшируви ўтказилмасдан  
материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
органларига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул  
қилиниши мумкин.

Марказий банк тизимида хизмат текширувлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан қабул қилинган хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)га мувофиқ тузиладиган қуйидаги комиссиялар томонидан ўтказилади:

**Марказий банкнинг марказий аппарати Хизмат текшируви комиссияси:**

Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармалар ходимлари, шунингдек тасарруфдаги корхоналарнинг Республика **лавозимлар номенклатурасига кирувчи** ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан;

**Ҳудудий бош бошқармалари Хизмат текшируви комиссияси** – ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан.

Алоҳида ҳолларда ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари Марказий банкнинг марказий аппарати Хизмат текшируви Комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин.

**Марказий банкнинг Одоб-ахлоқ комиссияси** – Марказий банк марказий аппарати ходимлари, шунингдек ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирувчи ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан;

**Ҳудудий бош бошқармаларнинг Одоб-ахлоқ комиссияси** – ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан.

## Хизмат текширувини ўтказувчи комиссия ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларга ёзма шаклда тушунтиришлар тақдим этишни, шунингдек хизмат текшируви масалаларининг моҳияти юзасидан бошқа ахборотни маълум қилишни таклиф этиш;
- хизмат текшируви жараёнида аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида бирор-бир маълумотдан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимларга улар юзасидан ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этиш;
- агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, хизмат текшируви вақтида ходимни ишдан четлатиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;
- хизмат текширувини ўтказиш учун муҳим бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва зарурат бўлганда уларнинг кўчирма нусхаларини хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш;
- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим фойдаланадиган хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарини, шу жумладан унинг иш жойини, жой участкаларини, омборларни, столларни, жавонларни, папкаларни ва махфий ахборотни ташувчи жисм мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа предметларни иш берувчининг розилиги билан кўздан кечиришни амалга ошириш, шунингдек иш берувчидаги махфий ахборот мавжуд бўлган барча жисмларни ҳамда уларнинг келиб тушиши ва ҳаракатланишини акс эттирувчи ҳисобга олиш ҳужжатларини (ҳисобга олиш дафтарлари ва журналларини) иш берувчининг розилиги билан текшириш;
- инвентаризация, тафтиш, аудит ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиш;



- илмий, техникавий ва бошқа махсус билимларни талаб этадиган масалалар бўйича мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳамда улардан маслаҳат олиш.
- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга ўтказилаётган текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиши, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши;
- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, улардан тушунтириш талаб қилиши;
- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимни хизмат текширувини ўтказиш натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо қўйдирган холда таништириши, танишиш рад этилган ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши ҳамда камида икки нафар шахс томонидан имзоланиши лозим.
- Комиссиянинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

## Хизмат текшируви тайинланган ходим(лар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билишга;
- комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга;
- хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар беришга;
- хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар беришга;
- хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвий далиллар тақдим этишга;
- гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиш учун тақдим этишга;
- хизмат текшируви материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга;
- хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга;
- комиссиянинг хулосаси ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.
- Ходим ўз шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги ариза иш берувчига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.
- Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган ҳуқуқлардан виждонан фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан хизмат текширувида иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, **бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.**

**Комиссия камида уч нафар аъзодан шу жумладан, бир нафари касаба уюшмаси вакилидан иборат бўлиши керак. Комиссия таркибига қуйидаги шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди:**

хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган мансабдор шахс;

ҳаракатлари текширилиши зарур бўлган ходимлар бўйсунувидаги ходимлар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан қариндошлик алоқаларида бўлган шахслар;

хизмат текшируви натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар, шу жумладан ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига ёки интизомий қилмишнинг келиб чиқишига дахлдор эканлиги тўғрисида асосланган гумонлар мавжуд бўлган шахслар;

муружаати хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлиб хизмат қилган шахслар;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим юқорида санаб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда комиссия аъзосини рад этиш тўғрисида ёзма шаклда арз қилишга ҳақли.

Комиссия раиси ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходимни иш берувчи ёки ваколатли шахснинг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги буйруғи (фармойиши) ҳамда хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан имзо қўйдириб таништириши лозим.

Агар ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан иш берувчи ёки ваколатли шахснинг хизмат текширувини ўтказиш ҳақидаги буйруғи (фармойиши) ҳамда хизмат текширувини ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан танишиш ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда комиссия аъзолари томонидан тегишли далолатнома камида икки нафар аъзолар томонидан имзоланган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

**Марказий банк тасарруфидаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимларга нисбатан хизмат текширувларини ўтказиш тартиби.**

Марказий банк тасарруфидаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички ҳужжатлари ҳамда одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг буйруғига асосида тузиладиган комиссиялар томонидан мазкур Регламент талабларига мувофиқ ўтказилади.

## Хизмат текширувини ўтказиш муддати

Хизмат текширувини ўтказиш муддати **ўн беш иш кунидан** ошмаслиги керак.

Хизмат текширувини ушбу банднинг биринчи хатбошида белгиланган муддатда, объектив сабабларга кўра тугаллаш мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, иш берувчи ёки ваколатли шахс комиссиянинг асослантирилган вазлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна **ўн беш иш кунигача** узайтиришга ҳақлидир.

**Хизмат текшируви тайинланган ходимни  
ишдан вақтинча четлаштириш.**

Агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга ҳақли. Ходимни ишдан четлаштириш муддати хизмат текширувини ўтказиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви  
ўтказилаётганлиги сабабли ишдан  
четлаштирилган ходимга ишдан  
четлаштиришнинг бутун даври учун **ўртача иш  
ҳақи** сақланиб қолади.

## Хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бажараётган иш (эгаллаган лавозим), ушбу иш берувчидаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар);
- хизмат текширувини ўтказган комиссия таркиби тўғрисидаги;
- хизмат текширувини ўтказиш асослари ҳақидаги;
- ходим коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;
- коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақидаги;
- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган важлар тўғрисидаги;
- ходимнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари ҳақидаги;
- ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун унинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар тўғрисидаги;
- коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги натижасида ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳақидаги (агар шундай зарар мавжуд бўлса).



**Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг яқунловчи қисмида хизмат текшируви натижаси юзасидан комиссиянинг хулосалари шакллантирилган бўлиши керак. Хулосада:**



Ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмиш содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

## Хизмат текшируви натижаларини иш берувчи ёки ваколатли шахсга топшириш

Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия раиси ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади, шунингдек хизмат текшируви тайинланган ходим далолатнома билан таништирилади ва имзоланади ҳамда комиссия тўплаган бошқа материаллар билан бирга иш берувчига **уч иш кунидан кечиктирмай** топширилиши керак.

## Хизмат текшируви натижалари бўйича Марказий банк раҳбарияти қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

ҳуқуқбузарлик (қоидабузарлик) ҳолати тасдиқланмаганлиги сабабли чора кўрмаслик;

сабабларини кўрсатган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун қайтариш;

меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор ходимни жавобгарликка тортиш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ходимнинг хатти-ҳаракатларида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолларда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этиш.

# **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ**

Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилда камида бир марта ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

Коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;


Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

Функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи ички ҳужжатлари ўзгариши;

Марказий банк тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши.

## Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

Марказий банкда хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёни тегишли буйруқ (фармойиш) асосида амалга оширилади.



Марказий банк фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

## Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

Марказий банк фаолиятида  
вазифа ва функцияларнинг  
ҳуқуқий асоси, таркибий  
бўлинмалар низомлари,  
ходимларнинг лавозим  
йўриқномалари;

назорат материаллари, шу  
жумладан хизмат текшируви  
материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси  
мажлисларининг йиғилиш  
баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш  
ишларининг мониторинг  
натижалари;

Ички нazorат тузилмаси ёки  
Ишчи гуруҳ томонидан  
ўтказилган сўровномалар  
натижалари ва бошқалар.

## Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисидаги мурожаатлар  
(хабарлар) ва статистик  
маълумотлар;

Марказий банк фаолияти  
(вазифа ва функциялари)  
юзасидан ўтказилган  
сўровномалар, шу  
жумладан социологик  
тадқиқотлар натижалари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
органлар томонидан тақдим  
этилган материаллар ва  
бошқалар.



## Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда баҳоланади:

Эҳтимолликни баҳолаш (юз бериш эҳтимоли)	Оқибатлар даражаси		
	<i>Паст</i>	<i>Ўртача</i>	<i>Юқори</i>
Юқори эҳтимоллик	Ўрта	Юқори	Юқори
Ўртача эҳтимоллик	Паст	Ўрта	Юқори
Паст эҳтимоллик	Паст	Паст	Ўрта

**Хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда баҳолаш натижалари асосида умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади.**

№	Таркибий бўлима зиммасига юклатилган функция ёки жараёнлар	Мулоқотга кирувчи шахслар	Мулоқотга кирувчи шахсларнинг талаблари ва улар томонидан кутилаётган натижа	Мазкур функция (жараён)ни тартибга солувчи норматив хужжат	Мавжуд коррупцион риск ёки манфаатлар тўқнашуви (идентификация)	Риск даражаси: Юзага келиш эҳтимоли ва оқибатига кўра (юқори, ўрта ёки паст)	Рискни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича назорат тадбирлари (амалдаги)	Рискни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича таклиф
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	Банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш жараёни	Банк фаолиятини амалга ошириш рухсатини берувчи лицензия олиш истагини билдирган шахслар	Бюрократик тусикларсиз банк фаолиятини амалга ошириш рухсатини берувчи лицензия олиш	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3252-сон билан рўйхатга олинган “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низом	<p>Ҳар қандай моддий ёки номоддий манфаатдорлик эвазига белгиланган талабларни яъни хужжатларни талаб қилмаслик;</p> <p>Лицензиялаш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши;</p>	Ўрта	<p>Лицензиялаш ҳамда рухсат бериш тўғрисидаги масалалар коллегиял тартибда кўриб чиқилади.</p> <p>Биринчи босқичда, масала Банк назорати қўмитасида кўриб чиқилади.</p> <p>Кейинги босқичда, масала кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Марказий банк бошқаруви кун тартибига киритилади.</p> <p>Департаментга юклатилган вазибаларни ходимлар томонидан амалга оширишда вазибалар тақсимотини ўзгартириб туриш жорий қилинган (ротация)</p>	Илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда Жаҳон банкининг техник кўмаги ёрдамида лицензиялаш тартиб-таомилларини босқичма-босқич акс эттирувчи Марказий банкнинг ички регламентини ишлаб чиқиш ва шу орқали ушбу жараённинг шаффофлигини ошириш

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган коррупциявий хавф-хатарларини бартараф этиш ҳамда минималлаштириш юзасидан чора-тадбирлар дастури**

т/р	Вазифа ва функциялар (жараён)	Юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган коррупцион риск ёки манфаатлар тўқнашуви (идентификация)	Коррупция хавф-хатарларни бартараф этиш (минималлаштириш) механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1	2	3	4	5	6
1	Банкларни лицензиялаш ва рўйхатга олиш жараёни	Қонунчиликда белгиланган хужжатларни талаб қилмаслик ёки ортиқча хужжатларни талаб қилиш; Давлат божи, йиғимларни ундирмаслик; Лицензиялаш жараёнида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келиши;	Ортиқча маъмурий тартиб ва тўсиқларни бартараф этиш мақсадида илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиб Жаҳон банкининг техник кўмаги ёрдамида лицензиялаш тартиб-таомилларини босқичма-босқич акс эттирувчи ички регламент ишлаб чиқиш ва шу орқали ушбу жараённинг шаффофлигини ошириш	2021 йил 4-чорак	Маъсул ходим  Назорат:
2	Нобанк кредит ташкилотларини лицензиялаш жараёни	Қонунчиликда белгиланган хужжатларни талаб қилмаслик ёки ортиқча хужжатларни талаб қилиш; Лицензиялаш жараёнида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келиши;	Ломбард фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ўрнига ушбу фаолиятни хабарнома юбориш орқали амалга ошириш тартибини жорий қилиш;  “Нобанк кредит ташкилотлари ва микроолиявий хизматлар тўғрисида” Қонун ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	2021 йил 4-чорак	Маъсул ходим  Назорат:

## Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

2

- инсон омилини қисқартириш ва жараёнларни (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

3

- ходимлар ва учинчи шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

4

- расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

5

• хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

6

• коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

7

• ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга риоя қилишларини назорат қилиш.

8

• коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишда қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.



Эътиборларингиз учун раҳмат !